ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АРТИКОВА ГУЛНОЗА АБДУХАЛИКОВНА

МАТЕМАТИКАДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МЕТОДИК ТИЗИМИНИ МАХСУС ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

УДК. 378:51(076)(575.1)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Артикова Гулноза Абдухаликовна
Математикадан амалий машғулотлар методик тизимини махсус технологиялар асосида такомиллаштириш.....3

Артикова Гулноза Абдухаликовна
Совершенствование методической системы практических занятий по математике на основе специальных технологий.....23

Artikova Gulnoza Abdukhalikovna
Improving the methodical system of practical lessons of mathematics on the basis of special technologies.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....47

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АРТИКОВА ГУЛНОЗА АБДУХАЛИКОВНА

МАТЕМАТИКАДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МЕТОДИК ТИЗИМИНИ МАХСУС ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Ped718 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна** педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Маматов Машрабжон Шахабутдинович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71 246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «____» _____ да ____ - рақамли реестр баённомаси).

М.М.Арипов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф-м.ф.д., профессор

Д.М.Махмудова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д.(PhD), доцент

М. Тўхтасинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда “олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш”[1], таълим-тарбия жараёнларини замонавий: технологик, тизимли, фаолиятли, компетенциявий, инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Халқаро миқёсда кадрлар тайёргарлиги юқори сифатини таъминлашда назарий билимлар заҳирасини бойитиш эмас, аксинча, ўзлаштирилган билимларни ҳаётий амалий муаммоларни ҳал этишда қўллай олиш лаёқатини шакллантириш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ўзида акс эттириб таълим олувчиларни билиш жараёнининг фаол субъекти даражасига олиб чиқувчи “blended learning”, “flipped learning”, фрейм технологияларидан фойдаланиш дунё педагогикасининг имкониятларини кенгайтирмоқда. Жумладан, “flipped learning” технологиясининг муаллифлари "Reach Every Student in Every Class Every Day" шиорини, яъни, ҳар куни ҳар дарсда ҳар бир ўқувчига таълимий-тарбиявий таъсир этиш муҳимлигини таъкидлайдилар[2]. Ушбу технология таълим олувчиларнинг дастлабки билимларни дарсгача мустақил ўзлаштиришлари, дарс давомида эса эгаллаган билимлари асосида уларда кўникма, малака ва компетенцияларни ўқитувчи ёрдамида шакллантиришни назарда тутиши билан бугунги кунда ривожланган давлатларда оммалашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш вазифаларини белгилаб берди. Мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган халқаро дастурлар ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг интеграцияси негизида математик саводхонлик ва компетенцияларни баҳолаш дастурлари (TIMSS, PISA)га тайёргарлик ишлари[3], олий таълимга кириш синовлари фанлари қаторига математиканинг киритилиши олий таълимда математика туркумидаги фанларни ўқитиш жараёнларида талабаларда билимларни тўлиқ ўзлаштириш, самарали

---

[1]“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Президент Фармони. http://lex.uz/docs/4545884

[2]Bergmann J., Sams A. Flip Your Classroom. Reach Every Student in Every Class Every Day. ASCD, ISTE, 2012.https://books.google.ru/

[3]ЎзР ВМнинг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 8 декабрдаги 997-сонли Қарори. http://lex.uz/docs/4097073

мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш компетенцияларини такомиллаштиришга қаратилган илғор педагогик технологиялар, сифатли рақамли ва анъанавий ўқув-услубий манбаларни кенг жорий қилишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3775-сонли Қарорлари, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон олий таълимида математика фанларини ўқитиш методикаси ва уни педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш масалалари А.Абдирахмонов, А.А.Абдуқодиров, Д.Н.Ашурова, М.С.Диванова, Г.В.Злоцкий, Г.К.Изетаева, И.Ш.Лактаева, Д.М.Махмудова, Н.М.Мухитдинова, И.Я.Рахмонов, А.В.Садыкова, Т.Р.Толаганов, М.Тошпулатова, Ж.Б.Эргашев, Д.И.Юнусовалар томонидан тадқиқ этилган.

Мусақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида И.А.Байгушева, Д.У.Байсалов, Т.И.Бочарова, Ю.Н.Бурханова, С.А.Бутаков, Т.А.Гаваза, Е.С.Дегтярев, Н.А.Демченкова, П.П.Дьячук, Е.А.Зубова, Ф.А.Ихсанова, Г.К.Селевко, Н.Ф.Талызина, О.С.Тоистева, Л.М.Фридманларнинг изланишлари математика фанларини ўқитиш жараёнида таълим олувчиларнинг математик тушунчаларни ўзлаштириш, мантиқий математик тафаккурини ривожлантириш, таълимнинг шахсга йўналтирилган, инсонпарвар мазмун-моҳияти ва талабаларнинг ўзгарувчан ижтимоий-маданий шарт-шароитларда ўқув-билиш фаолиятини намоён этиш имконияти масалаларига бағишланган.

Хорижлик олимлар Aoibhinn Ni Shuilleabhain, J.Bergmann, B.S.Bloom, J.M.Bogard, S.M.Gass, J.Graney, H.Marshall, M.Минский, J.Rank, K.Rodgers, A.Sams, S.Jakimovik, M.A. Чошанов, S.Waделар таълим олувчиларга ўқув ахборотини узатиш, уни ўзлаштириш жараёнларидаги мустақил билиш

фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган фрейм технологияси, билимларни тўла ўзлаштиришни таъминловчи “flipped learning” технологияси - таълим олувчилар билан ўқитувчининг ўқув ахбороти билан дастлабки танишишдаги фаолиятлари ўрнини алмаштириш ғоясини илгари сурганлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режаси, А-1-23 “Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида математикани ўқитишнинг аниқ мақсадларига мос махсус танлаб олинган умумпедагогик, хусусий-методик технологиялар интеграцияси асосида амалий машғулотлар методик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълимни модернизациялаштириш шароитида илғор тажрибаларнинг қиёсий таҳлили асосида математикадан амалий машғулотлар методик тизимини такомиллаштиришнинг замонавий ёндашувларини аниқлаш;

олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотлар мазмуни, метод ва воситаларини такомиллаштириш, талабалар ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш мақсадига мос махсус технологияларни аниқлаш;

олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотлар методик тизимини замонавий ёндашувлар ва махсус технологиялар интеграцияси асосида такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш;

махсус танлаб олинган педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари интеграциясига асосланган амалий машғулотларни ташкил этишнинг ўқув-методик, электрон таъминотини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида педагогика ва ҳарбий олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикасини махсус технологиялар асосида такомиллаштириш жараёни белгиланиб, педагогик тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг 914 нафар талабалари ва 14 нафар математика ўқитувчилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотлар методик тизимини такомиллаштириш мазмуни, метод ва воситалари, махсус танлаб олинган технологиялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун муаммога доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, соҳага доир илмий, илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; педагогик кузатув,

суҳбат, сўровнома, тест синови, тажриба-синов, мониторинг; математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш усулларидан комплекс фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фаолиятли, компетенциявий, инновацион, интегратив ёндашувлар устувор ғояларини математикадан амалий машғулот ва унинг босқичлари аниқ мақсадларига сингдириш негизида махсус танлаб олинган таълим технологиялари асосида математикадан амалий машғулотлар методик тизими такомиллаштирилган;

амалий машғулотларда талабаларнинг математик тушунчаларни тўлиқ ўзлаштириш жараёни фрейм (“Тушунчалар таҳлили”, “Икки қисмли кундалик”, “Венн диаграммаси”, “Блум куби”, “Чалкаштирилган мантиқий занжир”) ва ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич (дастлабки мўлжал, амалий ҳаракат, баланд нутқ, ички нутқ, ақлий ҳаракат) шакллантириш технологиялари интеграцияси асосида такомиллаштирилган;

ўқув ҳаракатлари (ўқув муаммосини тушуниш, ўқув ҳаракатларини амалга ошириш, ўзини-ўзи назорат қилиш ва баҳолаш)ни алгоритмлаштириш, маҳсулдор масалалар, самарали машғулотлар тизими, “flipped learning” технологияларининг “blended learning” имкониятлари билан интерференцияси асосида талабалар математик амалий кўникмаларини ривожлантириш методик тизимининг модели ишлаб чиқилган;

талабаларнинг репродуктив (ўрганиш, ҳамкорлик) ва продуктив (мустақил, ижодий) фаолияти назарда тутилган математикадан амалий машғулотлар интерфаол таълим жараёнининг ўқув-методик таъминоти (амалий машғулотлар технологиялари, мустақил ишлар тўплами, маърузалар матни) махсус технологиялар (фрейм, “flipped learning”) ҳамда электрон ахборот-таълим ресурси (электрон ўқув қўлланма, табақалаштирилган топшириқлар, ностандарт тестлар)нинг дидактик имкониятлари мазмунини очиб бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг математик тушунчаларни тўлиқ ўзлаштиришига йўналтирилган, фрейм ва ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш технологиялари, ўқитишнинг интерфаол методларига асосланган амалий машғулотлар лойиҳалари ишлаб чиқилган;

“flipped learning”, “blended learning” технологиялари асосида талабалар математик билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантиришнинг самарали машғулотларини ташкил этиш юзасидан методик кўрсатма ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари талабалари учун “Алгебра ва сонлар назариясидан маърузалар матни”, “Алгебра ва сонлар назариясидан модул технологияси асосида тайёрланган мустақил ишлар тўплами”, “Чизиқли алгебра элементлари” номли ўқув ва методик қўлланмалар, ўқитувчилар учун “Математикадан амалий машғулотлар технологиялари” номли методик

қўлланма, “Олий математика фанидан чизиқли алгебра элементларини ўқитиш методикаси” номли электрон ахборот-таълим ресурси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва методикалар, фойдаланилган назарий ва амалий хулосаларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистик методлар воситасида асосланганлиги, методика, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти технологик, тизимли, фаолиятли, компетенциявий, инновацион ёндашувларга асосланган билимларни тўлиқ ўзлаштириш, “flipped learning”, “blended learning”, фрейм технологиялари имкониятларини инобатга олган ҳолда математикадан амалий машғулотлар методик тизимини такомиллаштириш методологик асосларининг ишлаб чиқилганлиги, бу билан олий таълимда математика фанларини ўқитиш методикасининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини анъанавий ва инновацион, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг интеграциясига асосланган амалий машғулотларда ўқитувчи ҳамда талабалар фаолиятини самарали ташкил этиш жараёнларини лойиҳалаштириш, амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган методик тавсиялар, ишланмалардан бакалавриат, магистратура, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқ марказларидаги математика, математика методикасига оид фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги белгилаб беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотлар методик тизимини махсус технологиялар асосида такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

махсус технологиялар асосида математикадан амалий машғулотлар методик тизими, фрейм ва ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш технологиялари интеграцияси асосида талабаларнинг математик билимларни тўлиқ ўзлаштириш жараёнини такомиллаштиришга оид таклифлар “Алгебра ва сонлар назариясидан модул технологияси асосида тайёрланган мустақил ишлар тўплами” (2012 йил) номли ўқув-услубий қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3946-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг амалий машғулотлардаги интерактив мустақил ўқув-билиш фаоллиги ошган;

ўқув ҳаракатларини алгоритмлаштириш, маҳсулдор масалалар, самарали машғулотлар тизими, “flipped learning” технологияларининг “blended learning” имкониятлари билан интерференцияси асосида талабаларнинг математик амалий кўникмаларини ривожлантириш методикасига оид

таклифлардан ЁА-1-20 рақамли “Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида касбий аҳамиятли сифатларни шакллантиришнинг интегратив методик воситаларини яратиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3946-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак математика ўқитувчиларининг математика дарслари ўқув ахбороти, метод ва воситаларини танлаш ва лойиҳалаштиришга оид билим ва кўникмаларини ривожлантиришга, уларнинг педагогик фаолиятга методик тайёргарлигини такомиллаштиришга эришилган;

талабаларнинг репродуктив ва продуктив фаолиятига асосланган интерфаол таълим жараёнининг ўқув-методик таъминоти, математикадан амалий машғулотларнинг махсус технологиялари ҳамда электрон ўқув мажмуаларнинг дидактик имкониятларига оид методик кўрсатма ва тавсиялари олий таълим муассасаларида “Алгебра ва сонлар назарияси”, «Олий математика», “Математика” фанлари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3946-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасаларида математика фанларини ўқитишда амалий машғулотларни ташкил этиш самарадорлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та республика ҳамда 9 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (4 таси республикада ва 3 таси хорижий илмий журналда) мақола тарзида нашр эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 саҳифани ташкил этади**.**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Олий таълимда математикадан амалий машғулотлар методик тизимини такомиллаштиришнинг методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида олий таълимни

модернизациялаштириш шароитида математикадан амалий машғулотлар жараёнига замонавий ёндашувлар, математикадан амалий машғулотлар методикасининг ўрганилганлиги ва уни ташкил этиш ҳолати, математикадан амалий машғулотларни ташкил этишнинг махсус педагогик технологиялари ёритилган.

Республикада амалга оширилаётган турли соҳалардаги янгиланишларда таълим муассасаларининг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти; профессор-ўқитувчилар фаолиятининг замонавий таълим муҳитидаги инновацион педагогик фаолиятга йўналтирилмаганлиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда; олий таълим муассасаларида ўқув фанлари, жумладан, математика фанларини ўқитиш жараёнида талабалар фаоллигини орттирувчи, уларнинг мустақил, ижодий тафаккурини ривожлантириш имкониятини берувчи педагогик технологиялар, интерфаол методлар сусткашлик билан жорий қилинаяпти[4].

Бу каби долзарб муаммоларни ҳал этишдаги муҳим омил-таълим муассасасининг инновацион фаолиятни амалга оширишга объектив, субъектив тайёргарлик даражаси, профессор-ўқитувчи ва талаба шахсининг ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири талабалар билиш фаолияти педагогик тизимини инновацион ривожлантириш ҳисобланади[5]. В.П.Беспалько педагогик тизимни етук фазилатларга эга шахсни шакллантиришнинг ташкиллаштирилган, мақсадли ва мўлжалланган педагогик таъсир учун зарур бўлган ўзаро алоқадаги восита, метод ва жараёнлар мажмуаси сифатида изоҳлайди. Педагогика амалиётида “педагогик технология” атамаси аксарият ҳолларда “педагогик тизим” тушунчасининг маънодоши сифатида қўлланилади. “Тизим” тушунчаси “технология” тушунчасига қараганда умумий хусусиятга эга. Тизим ўзаро алоқадор муносабатда муайян яхлитлик ва бирликка эга бўлган элементлар йиғиндисини англатади[6].

Олий таълимда математикани ўқитиш жараёни педагогик тизим бўлиб, мураккаб тизимларга хос қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади: қисмлар ва бутуннинг ўзаро алоқаси; тизимнинг иерархик таркиби; тизимнинг ривожланиши, ўзини-ўзи ташкил этиши; зарурий турли-туманлик, самарадорликни ошириш; мақсадлар иерархик тузилмасини шакллантириш, унда яхлитлик конуниятининг намоён бўлиши[7].

---

[4]2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3775 Қарор. http://lex.uz/ru/docs/3765586

[5]Муслимов Н.А. в.б. Педагогик технологиялар фанидан ўқув-методик мажмуа. Т.: Fan va texnologiyalar, 2011.-200 б.

[6]Джураев Р.Х. “Технология” ва бошка педагогик тушунчаларнинг ўзаро муносабати. http://uz.denemetr.com/docs/768/index-94752-1.html

[7]Юнусова Д.И. Педагогик жараённинг тизимли таҳлили модулидан ўқув-методик мажмуа. Т.: ТДПУ, 2018.-147 б.

Билим олиш учун мотив, мақсад аниқ бўлиши билан бирга талаба ўқув материалини тушуниб, ўзлаштириб олишига имконият берадиган ўқув-билув ҳаракатларини ҳам бажариши зарур. Талаба ўқув вазифасини шу ишни бажариш усули ҳақида аввал ўзлаштирилган ахборотлар асосида бажаради. Ўзлаштирилган ахборотлардан фойдаланиш усулига кўра ўқув-билиш фаолияти репродуктив ва продуктив турларга ажратилади. Репродуктив фаолият продуктив фаолиятдан олдин келади ва продуктив фаолият учун замин бўлиб хизмат қилади. Айнан продуктив фаолият асосида талабаларда компетенциялар ривожланади. В.Хутмахер “компетенция” “кўникма”, “компетентлик”, “қобилият”, “маҳорат” каби тушунчалар билан бир қаторда ишлатилса ҳам унинг мазмуни ҳали тўла очиб берилмаганлигини таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, “компетенция” “биламанки, нима...”дан кўра “биламанки, қандай....” тушунчасига яқинроқдир.

Олий таълимни ислоҳ қилишга оид хорижий, ҳамдўстлик давлатлари ва республикамизда олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлили асосида бугунги кундаги олий таълимни модернизациялаштириш шароитида унинг жадал ривожланишига тизимли, технологик, интегратив, фаолиятли, компетенциявий ва инновацион ёндашувлар асосий омил бўлиши аниқланди.

Мавзуга оид ўрганилган тадқиқотларда олий таълимда математика фанларини ўқитиш жараёнига муаммоли, модулли, ўйин ва бошқа технологиялар, интерфаол методлар, турли дидактик воситаларни жорий этиш асосида математика таълими самарадорлигини орттириш, талабалар билиш жараёнларини такомиллаштириш назарда тутилган. Таҳлилларга кўра, умумий ўрта таълим мактабларида математика дарсларини (М.Кларин, С.Манвелов, Н.Гайбуллаев), олий таълимда математикадан амалий машғулотларни (А.А.Спиней, М.В. Шуркова) ташкил этиш муаммосига бағишланган диссертация ишлари мавжуд бўлиб, уларда асосий эътибор математик мисол ва масалалар мазмунига қаратилган. Олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотлар методик тизими компонентлари (мақсад, мазмун, метод, восита, натижа, профессор-ўқитувчи ва талабалар фаолияти) ва улар орасидаги мураккаб муносабатлар, ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар мутаносиблигида ривожланувчи яхлит педагогик тизим сифатида алоҳида илмий-тадқиқот иши доирасида ўрганилмаган.

Биз талабаларнинг амалий машғулотлар давомида математик тушунча, тасдиқларни тўлиқ ўзлаштириш, математик мисол, масалаларни ечишдаги амалий кўникма ва малакаларини ривожлантириш, билиш фаолиятидаги оғзаки ва ёзма математик нутқини, мантиқий математик тафаккури ва тасаввурини, мустақил математик ахборотни излаш, англаш, ўрганиш, қайта ишлаш, турли шаклларда узатиш каби бир қатор компетенцияларини таркиб топтиришдек аниқ мақсадларни амалга ошириш учун махсус танлаб олинган умумпедагогик, хусусий методик, муаллифлик, ахборот-коммуникация технологиялари, уларнинг интеграцияси маҳсулини ***махсус технологиялар*** деб номладик.

Олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотлар методик тизимини такомиллаштириш, талабаларда юқорида қайд этилган компетенцияларни таркиб топтириш мақсадига билимларни тўлиқ ўзлаштириш, фрейм, “flipped learning”, “blended learning”, дидактик бирликларни йириклаштириш, ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш, ўқув ҳаракатлари қадамларини алгоритмлаш, масалани ижодий ечишга ўргатиш орқали математикани ўқитиш, самарали машғулотлар тизими каби технологиялар имкониятлари асосида эришиш мумкин (1-расм).



1-расм. Математикадан самарали амалий машғулотлар интегратив структураси

Диссертациянинг **“Олий таълимда математикадан амалий машғулотларни махсус технологиялар асосида ташкил этиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида амалий машғулотларни лойиҳалаштириш ва ташкил этишда профессор-ўқитувчи функциялари, математикадан амалий машғулотларда талабанинг инновацион ўқув-билиш фаолияти, математик тушунчаларни фрейм технологияси асосида тўла ўзлаштириш, “flipped learning” технологияси ва маҳсулдор масалалар асосида талабаларда математик алгоритмик амалий ҳаракатлар кўникмасини ривожлантириш методикаси, ўзини-ўзи ва ўзаро баҳолашга асосланган такрорлаш-умумлаштириш, коррекциялаш амалий машғулоти технологияси

ёритилган.

Олий таълимнинг асосий стратегик мақсадларидан бири-ўқув вазиятларидан ташқарида самарали ҳаракат қила оладиган, ўз касбий фаолиятида юзага келадиган муаммоли масалаларни еча оладиган компетентли мутахассиснинг тайёргарлиги ҳисобланади. Педагогик компетенция–профессор-ўқитувчининг педагогик мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун ташқи ва ички, объектив ва субъектив заҳираларни самарали бирга ташкил қила олиш қобилиятидир. Компетенциялар мажмуаси компетентлик деб аталади[8].

Олий таълимдаги ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми амалий машғулотлар ҳисобланади. Ҳар қандай педагогик тизимлар қаторида амалий машғулот тизими тузилмавий ва функционал таркибий қисмлардан иборат. Жумладан, амалий машғулот педагогик тизимидаги профессор-ўқитувчи ва талабалар фаолиятига нисбатан функционал таркибий қисмлар: гностик, фаолият, лойиҳалаш, конструкциялаш, коммуникация, ташкил этиш, коррекциялашдан иборат. Самарали амалий машғулотлар тизими учта тагтизимлар: кириш (олдиндан машғулотга тайёргарлик), асосий (гуруҳда мавзуга оид билимларни ўзлаштириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш) ва якунловчи (назорат ва баҳолаш, коррекция: такрорлаш, умумлаштириш, тизимлаштириш, билимларда аниқланган бўшлиқларни бартараф этиш)дан иборат бўлиб, нафақат амалий машғулотнинг асосий қисми, балки кириш ва якунловчи қисмлар ҳам мавзуни ўзлаштириш яхлит тизимининг зарурий бўғинлари ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчи томонидан кундалик амалий машғулотга тайёргарлик қуйидаги босқичларда амалга оширилади: тақвим-мавзу режа асосида амалий машғулот мавзуси, таълимий мақсад ва вазифалари, тарбиявий имкониятларини аниқлаш; талаба машғулотда билиб олиши ва эслаб қолиши зарур бўлган асосий мазмун; амалий машғулот структураси, тури, метод, воситалари; фанлараро ва фандаги боғланишларни аниқлаш ҳамда ундан машғулотда фойдаланиш йўлларини белгилаб олиш; профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг амалий машғулотдаги фаолиятларини режалаштириш; амалий машғулотнинг дидактик воситаларини танлаш (расмлар, жадваллар, чизмалар, фреймлар, мисол ва масалалар, услубий тавсиялар в.б.); талабаларнинг амалий машғулотдаги мустақил фаолиятлари ҳажми; амалий машғулотда ўзлаштирилган билим, шакллантирилган кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш метод ва воситалари, шакллари; уй вазифасининг ҳажми; амалий машғулотни якунлаш босқичи метод, восита, шаклларини белгилаб олиш; белгиланган талаблар асосида амалий машғулотнинг ишланмаси (технологик модел, технологик харита, визуал ва тарқатма материаллар)ни ишлаб чиқиш.

Талабанинг ўқув-билиш фаолияти-бу шахсий ва ижтимоий қимматли мотивга кўра таълим-тарбиянинг аниқ бир мақсадини (вазифасини) тегишли шакл, усул, воситалар ёрдамида билиб олиши (ўзлаштириши)га

[8]Ўразова М.Б., Ходжаев Б.Х. Педагогнинг лойиҳалаш маданияти/ ЎУМ. Т.: ТДПУ, 2016.-153 б.

йўналтирилган таълим–тарбия натижаси билан якунланадиган хатти-ҳаракатлари мажмуидир. Тадқиқот доирасида J.Rank, V.L.Pace, M.Frese, В.А.Сластенинларнинг инновацияларни жорий этиш босқичларига оид ишларини ўрганиш натижасида рефлексив-фаолиятли ёндашувни акс этувчи талабаларнинг математикани ўзлаштириш жараёнидаги инновацион ўқув-билиш фаолияти таркиби аниқлаштирилди (2-расм).

2-расм. Талабанинг математикани ўзлаштириш жараёнидаги инновацион ўқув-билиш фаолияти таркиби

Тушунчаларни шакллантириш мураккаб психологик жараён бўлиб, у сезгилар шаклланишидан бошланади ва қуйидаги кетма-кетликда давом этади: сезги – идрок – тасаввур - тушунча. Одатда тушунчанинг таърифини талабалар ёдлаб оладилар. Ёдлаб олиш ўрнини ҳаддан ташқари ошириб юбориш уларда назарий билимлар етишмовчилигининг сабабларидан биридир. Тушунчанинг ўзлаштирилганлик мониторинги талабалар ўртасида сўров ўтказиш шаклида амалга оширилади, бунда нафақат тайёр, дарсликдан олинган, балки талабанинг ўзи томонидан ўйлаб топилган мисолларни келтириш талаб этилади. Ушбу ижодий ақлий меҳнат талабалар тафаккурини ривожлантиради ва тушунча моҳияти, мазмунини онгли, чуқур ва мустаҳкам

ўзлаштиришига ёрдам беради ҳамда таърифни формал ўрганиш, механик ёдлашни истисно қилади.

Тушунчаларни ўзлаштириш жараёнининг бир қатор психологик-педагогик талабларини инобатга олган ҳолда амалий машғулотларни ташкил этишнинг педагогик технологиялари, инновацион метод ва воситалари аниқлаштирилди. Биринчи бобда баён этилган технологик, тизимли, фаолиятли, компетенциявий, инновацион, интегратив ёндашувлар; билимларни тўла ўзлаштириш, фрейм, ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш технологиялари ҳамда “Икки қисмли кундалик”, “Венн диаграммаси”, “Нима учун?”, “Нилуфар гули”, “Тоифалаш жадвали” метод ва воситалари; индивидуал, жуфтликда, кичик гуруҳларда талабалар ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари асосида амалий машғулотларда математик тушунчаларни тўлиқ ўзлаштириш жараёнлари ташкил этилди. Диссертация матнида “Матрицалар ва улар устида амаллар” мавзусидаги амалий машғулот ишланмаси орқали тавсия этилган методика очиб берилди.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар, жумладан АҚШда оммалашиб бораётган “flipped learning” технологиясига асосланган амалий машғулотга талабалар янги мавзуга оид маълум бир тасаввур билан келиши назарда тутилади. Амалий машғулот давомида ўрганилаётган мавзуга оид тушунчалар, теоремалар, уларни исботлаш усуллари, мисол ва масалаларни ечиш юзасидан талабалар таклифлари батафсил муҳокама қилинади, шунингдек ушбу тушунчаларни изоҳлашда мумкин бўлган ёндашувлар аниқланади. Ўқитувчи муҳокама жараёнини назорат қилади ва уни мақсадга йўналтиради, талабалар эса ўзи ёки ўзгалар ғояларига билдирилган танқидий фикрлар юзасидан муносабат билдирадилар.

Бу технологияни жорий этишда талабаларга турли мазмундаги топшириқлар: тақдимот тайёрлаш ёки уни таҳлил қилиш, матнли маълумотларни қайта ишлаш, такомиллаштириш ёки режа тузиш, маъруза материаллари асосида амалий топшириқлар, мисоллар тузиш, тест саволларини ишлаб чиқиш, кроссворд тузиш, бирор график органайзер асосида математик муаммони ҳал этиш жараёнини ишлаб чиқиш в.б. берилади.

Олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотларни ташкил этишга замонавий ёндашувлар, қўлланиладиган инновацияларни ҳисобга олган ҳолда талабаларда креатив компетентликни ривожлантиришнинг таркибий қисмлари (мотивацияли, когнитив, фаолиятли, рефлексив), математик амалий ҳаракатларни бажариш фаолиятини эгаллаганлик даражалари (репродуктив: ўрганиш ва ҳамкорлик; продуктив: мустақил ва ижодий) аниқлаштирилди.

Р.Хазанкиннинг “маҳсулдор масалалар” технологияси, А.Окуневнинг “самарали дарслар тизими”да талабаларда ижодкорлик, креативликни ривожлантириш назарда тутилган. Мазкур технологияларга асосланган амалий машғулотлар тизимида қуйидаги вазифаларни назарда тутдик: ноанъанавий маъруза, тушунчаларни тўлиқ ўзлаштириш, мисол ечиш

компетенциясини шакллантириш (мавзу бўйича таянч масалани ечиш алгоритмини ўзлаштириш, мисолни турли методлар орқали ечиш, янги ахборот узатувчи масалалар тизимини ечиш, масала ечимини текшириш, масалани мустақил тузиш), такрорлаш-умумлаштириш (олдиндан тайёрланган карточкалар асосида талабаларнинг саволлари, карточкалар билан ишлаш: таҳлил, умумлаштириш, фреймларни тўлдириш, масалаларни индивидуал ечиш, тўлиқ тушунгунига қадар жуфтликда ёки кичик гуруҳда ишлашда коррекция), назорат-баҳолаш (назарий топшириқлар бўйича жавоб, карточка бўйича масаланинг ечими, биргаликда ўрганишдаги ҳамкорлиги, ёзма математик мантиқий нутқи, фаол билиш фаолияти).

Олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотлар самарадорлигини орттириш мақсадида аниқлаштирилган ёндашувлар, таълим технологиялари асосида амалий машғулотлар методик тизимининг такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилди (3-расм).

Талабаларнинг математик кўникма ва малакаларини ривожлантиришда амалий математик ҳаракатларни алгоритмик бажаришга босқичма-босқич ўргатиш ва “flipped learning” технологияларига асосланган “Мураккаб функция ҳосиласи” мавзусидаги ишланма, талабаларнинг ўзини-ўзи ва ўзаро баҳолашига асосланган такрорлаш-умумлаштириш, коррекциялаш амалий машғулоти технологияси “Ҳосила ёрдамида функцияларни текшириш” мавзуси бўйича амалий машғулотнинг сценарийси асосида очиб берилди.

Математикадан амалий машғулотларда фрейм технологияси асосида тушунчаларни тўла ўзлаштириш, “flipped learning” технологияси асосида талабаларда математик алгоритмик амалий ҳаракатлар кўникмасини ривожлантириш, ўзини-ўзи ва ўзаро баҳолашга асосланган такрорлаш-умумлаштириш, коррекциялаш амалий машғулоти технологияси асосида талабалар билимларидаги математик тушунчалар, тасдиқлар, мисол ва масалаларни ечиш усуллари, математик амалий ҳаракатлар алгоритмини ўзлаштириш, оғзаки ва ёзма мантиқий математик нутқидаги бўшлиқларни бартараф этиш имкониятлари аниқланди.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари таҳлили**” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг дастури ва методикаси, педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари ҳамда уларнинг статистик таҳлили баён этилган.

Олий таълим муассасаларида математикадан амалий машғулотлар методик тизимини махсус технологиялар асосида такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишлари дастури ишлаб чиқилди. Тадқиқот юзасидан тажриба-синов ишлари 2013-2019 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида олиб борилди.

Тажриба-синов амалий машғулотлари мутахассислик йўналишларида “Алгебра ва сонлар назарияси” ва номутахассислик йўналишларида “Олий математика (Математика)” фанлари бўйича ташкил этилди. Тажриба ва



3-расм.Математикадан амалий машғулотлар методик тизимини такомиллаштириш модели

назорат гуруҳларида амалий машғулотлар 14 нафар математика фанлари профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилди, талабалар умумий сони 914 нафарни ташкил этди. Талабаларнинг математик билим, кўникма, малака ва компетенциялари даражасини аниқлаш мезонлари (1-жадвал) ишлаб чиқилди ҳамда уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари 5 баҳолик тизимда аниқланди.

1-жадвал

Талабаларнинг математик билим, кўникма, малака ва компетенцияларининг ривожланганлик даражалари

Назарий билимлар	Амалий кўникмалар	Ёзма ишнинг жиҳозланиши	Баҳо
Ўзлаштирилган билимлар тўлиқ, тўғри, тизимли, мантиқий далил ва исбот, мустақил фикрга асосланган	Мисол ечиш жараёнига ижодий ёндошилган, амалий ҳаракатлар алгоритми тўғри, тўлиқ эгаллаган, таҳлилий, қиёсий хулосалар чиқарилган	Топшириқлар тўлиқ, тўғри бажарилган, мантиқий ёзма нутқ саводли, саволларнинг жавоблари ва мисолларни ечишда ижодий фикр, мустақил ёндашув самарали қўлланилган	5
Берилган саволларга тўғри, айрим далил ва исботлар билан берилган жавоб	Мисолларнинг ечилиш жараёнига тўғри ёндошилган, алгоритмик ҳаракатлар тўлиқ таҳлил қилинган	Топшириқлар тўлиқ, тўғри бажарилган, мантиқий ёзма нутқ саводли, эгалланган билим ва кўникмалардан ўринли фойдаланилган	4
Берилган саволларга асосий тушунчалар таърифлари доирасида тўлиқ берилган жавоб	Мисол ечиш жараёнини таҳлил қилишда камчиликлар мавжуд, алгоритмик ҳаракатлар акс этган	Топшириқлар тўғри бажарилган, ёзма нутқ саводли, назарий билимлардан репродуктив даражада фойдаланилган	3
Айрим тушунчалар таърифлари ёд олинган	Мисолларнинг ечилиш жараёнида қўпол хатоликларга йўл қўйилган	Топшириқлар чала бажарилган, мисол ечиш алгоритмида хатоликлар мавжуд	2

